

Вилоят статистика бошқармасининг
2017 йил 29 сентябрдаги
152-Ф сон буйруғига
10-илова

Қува тумани статистика бўлими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Қува тумани статистика бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) ягона тизимига кирувчи худудий давлат статистика органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Фаргона статистика бошқармасига (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) бўйсунади.

3. Бўлим маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик шахслар ва фуқароларнинг расмий статистика ахборотига бўлган эҳтиёжини қондирувчи, яхлит илгор статистика ахбороти тизимининг фаолият кўрсатишига йўналтирилган давлат статистикаси соҳасидаги ягона сиёsatни амалга оширишда иштирок этади.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, қарорлари, топшириклари ва кўрсатмаларига, Бошқарманинг буйруқлари ва кўрсатмаларига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқа маҳаллий давлат органлари ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорликда, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик қилишдан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

6. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурига асосан Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ ташкил қиласди.

7. Давлат статистика органлари фаолиятига давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашишига йўл қўйилмайди.

8. Бўлим юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи ёзилган бланк ва муҳрга, мустақил балансга, банкдаги ҳисоб рақамига эга бўлади.

9. Бўлимнинг жойлашган манзили: Қува тумани, Тўмарис кўчаси

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

10. Қўйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ва статистикани ташкил этишининг самарали тизимини таъминлаш;

халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини жорий этиш;

ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш;

давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини Қува тумани бўйича статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш;

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритишда иштирок этиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

Бўлимнинг иш усуллари ва шаклларини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш, юкландиган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимлар масъулиятини ошириш.

11. Бўлим ўз зиммасига юкландиган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

a) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ва статистикани ташкил этишининг самарали тизимини таъминлаши борасида:

давлат статистикаси тамойилларига риоя этилишини ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлайди;

Бўлимнинг таҳлилий салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича зарур чораларни кўради;

б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини жорий этиши соҳасида:

Қува туманида давлат статистика кузатувлари шаклларининг жорий этилишини ташкил этади, жумладан ҳисбот тақдим этувчи субъектларни тасдиқланган давлат статистика ҳисботи шакллари тўғрисида хабардор қиласи ҳамда уларни электрон шаклда тўлдириш ва тақдим этиш бўйича тушунтиришлар беради;

давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологиясига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишини таъминлайди;

в) ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йигизи, қайта ишилаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириши, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таъминлайди;

Кува тумани бўйича ижтимоий-иктисодий ривожлантириш давлат ва ҳудудий дастурларининг бажарилиши юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган давлат статистика кузатувларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этади;

давлат статистика ҳисботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғиши, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методологияга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этади ва таъминлайди;

статистика, ҳисбот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини таъминлайди;

статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотларини йиғиши, қайта ишилаш ва умумлаштириш тартибига давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар қандай аралашувини истисно қиласиган тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъектларга ишончли давлат статистика ҳисботларини тақдим этишда ҳар томонлама қўмаклашади, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида хуқукий маданиятни ошириш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини амалга оширади, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усусларини қўлланишини таъминлайди;

фойдаланувчиларга Давлат статистика қўмитасининг ахборот ресурсларидан фойдаланишга доир тушунтиришлар беради;

олинган статистика маълумотларининг маҳфийлигини, бирламчи ҳисбот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки микдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, Бўлим фаолияти жараёнида юзага келган архив ҳужжатларини белгиланган тартиб ва муддатларда Бошқарма идоравий архивига тақдим этилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида Бўлим фаолияти жараёнида олинган хизмат, банк, тижорат сирларини ва бошқа маҳфий маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлайди;

г) давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини Қува тумани бўйича статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаши соҳасида:

ҳудуднинг ривожланишини тизимли таҳлил қилиш бўйича бошқа ҳудудий бошқарув органлари, маҳаллий давлат хокимияти органлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласи;

барча фойдаланувчиларга очиқ статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлайди;

Қува тумани бўйича маълумотлар асосида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида (маҳаллий телеканалларда) таҳлилий материаллар кенг намойиш қилиш йўли билан статистик қўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш чораларини кўради;

статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради;

шартнома асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик, таҳлилий, ахборот хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридагидан ташқари бошқа хизматларни қўрсатади;

д) Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, статистика ишларини ташкил этиши учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритишида иштирок этиши соҳасида:

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида Қува туманида жойлашган юридик шахсларни тўлиқ ҳисобга олишни ва улар фаолияти ҳолатидаги ўзгаришларни мониторинг қилишни таъминлайди;

е) ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишини таъминлаши соҳасида:

статистика ахборотларининг тезкорлик билан узатилишини ва қайта ишланишини таъминловчи янги ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини Бўлим фаолиятига жорий этишда иштирок этади;

давлат статистика органлари ахборот ресурслари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат статистикаси ахборот-хисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради;

ж) Бўлимнинг иш усуллари ва шаклларини янада тақомиллаштириши, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириши, юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимлар масъулиятини ошириши соҳасида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида Бўлим ишини тақомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўради;

Бўлим кадрларининг малакаси оширилишини ва қайта тайёрланишини тизимли асосда таъминлайди;

давлат статистикаси соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва статистик маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишонччилигини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этади, улар учун максимал қулай шарт-шароитларни яратади;

фуқароларни қабул қилишни ташкил қиласди, жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, улар бўйича қарорлар қабул қилинишини ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар юборилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олишга қаратилган огоҳлантирувчи ва профилактика хусусиятига эга чораларни, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар оқибатларини бартараф этиш чораларини амалга оширади.

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

З-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. Бўлим ўзига юклangan вазифалар, функцияларни бажариш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

Қува тумани худудидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисботини белгиланган тартибда олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Қува тумани худудидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишининг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

Қува тумани худудидаги юридик шахсларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишини амалга оширувчи органлардан, шунингдек юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг регистрлари ва ахборот базаларини шакллантирувчи ва юритувчи давлат органлари ва уларнинг идоравий мансуб ташкилотларидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва фаоллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

Қува тумани худудидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методология бўйича олиб бориш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат статистика кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистика ахборотлари билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

барча юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилиш;

олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузаётган мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари кўриш;

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга қўлланиладиган маъмурий жарималардан тушумлар ҳисобига Давлат статистика қўмитасининг маҳсус жамғармасини шакллантиришда иштирок этиш ва ундан белгиланган тартибда фойдаланиш;

шартнома асосида статистик, таҳлилий, ахборот хизматлари ва Давлат статистика ишлари дастуридан ташқари бошқа хизматларни қонун ҳужжатларida белгиланган тартибда кўрсатиш;

қонун ҳужжатларida белгиланган тартибда Бўлим ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш.

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Бўлим ва унинг мансабдор шахслари уларга юклangan вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

Бўлимнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари устидан шикоят қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

14. Бўлим ходимлари “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бузганлик, тарқатилиши чекланган статистик маълумотлар, статистик ахборотлар ва (ёки) маълумотлар базасини йўқотганлик, сотганлик, берганлик ва бошқа ноқонуний ошкор этганлик учун, шунингдек статистика маълумотларини яширганлик ва бузиб кўрсатганлик учун, ёхуд кўрсатиб ўтилган ҳуқуққа зид қилмишларга қўмаклашганлик учун қонунга мувофиқ жавоб беради.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

15. Бўлимга Қува тумани ҳокимининг тақдимномасига кўра ва Давлат статистика қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қиласи.

16. Бўлим бошлиғи:

Бўлим фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи ва Бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат органларида ва бошқа ташкилотларда Бўлимни ифодалайди;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бўлим ходимларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида Бўлим ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

олинган фойда, шу жумладан шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушумлар ҳисобига Бўлим ходимларини белгиланган тартибда рағбатлантириш масаласини ҳал этади;

Бўлим ходимларини Бошқарма томонидан рағбатлантириш, юқори малакаси учун устамалар белгилаш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича Бошқармага таклифлар киритади;

Бўлим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тизимли асосда таъминлайди;

Бўлимга юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида зарур чоралар кўради.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш:

Бўлим ходимлари – Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Бўлим бошлиғи – туман (шаҳар) ҳокимининг тақдимномасига кўра ҳамда Давлат статистика қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5-боб. Бўлимнинг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти

18. Бўлимнинг мол-мулкини асосий воситалар ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати унинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил этади.

19. Бўлимни молиялаштириш ва унинг моддий-техника таъминоти Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган амалга оширилган статистика ишлари учун ҳақ тўлаш, Бўлим томонидан Бошқармага ҳар ойда тақдим этиладиган бажарилган ишлар далолатномалари асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига Бошқарма томонидан таъминланади.

Давлат статистика ишлари дастурига киритилмаган ва уларни ишлаб чиқишига қўшимча харажатлар талаб қилинадиган қўшимча статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачилар маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Бўлим томонидан олинган фойда, амортизация ажратмалари, шунингдек бошқа тушумлар унинг ихтиёрида қолади ҳамда улардан Бўлимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, ходимларнинг касб маҳоратини, ўз лавозим вазифаларини сифатли бажарганлигини, ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини рағбатлантириш учун белгиланган тартибда фойдаланилади.

20. Бўлим Давлат статистика ишлари дастурини бажариш доирасида ажратилган маблағларнинг ва ўз ишларининг бошқа натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ амалга оширади, статистика ҳисботини юритади.

6-боб. Якунловчи қоида

21. Бўлимни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.